



1 – Эй Аллоҳим, мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ эт. Эй Аллоҳ! Оппоқ либос кирликтан тозалангани каби мени ҳам хатоларимдан тоза эт. Эй Аллоҳ! Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан ювпокла! (Бухорий ва Мұслим ривояти).

2 – Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нүкssonлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг билан (тасбех айтдим). Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ (и барҳақ) йўқдир. (Абу Довуд, Насоий, Термизий ва Ибн Можа ривояти).



Ҳизботидарни Ҳизб Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни
Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни).

3 – Осмонлару ерни яратган Зотга мусулмон бўлиб, юзландим ва мен мушриклардан эмасман. Албатта намозим, курбонлигим, ҳаётим ва мамотим оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Мен шунга буюрилдим ва мен бўйсунувчилар-мусулмонларданман. Эй Аллоҳ! Сен Маликсан ва Сендан ўзга ҳеч бир (ҳақ) илоҳ йўқ. Сен Парвардигоримсан ва мен Сенинг қулингман. Мен (гуноҳлар қилиб) ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни эътироф этдим. Менинг барча гуноҳларимни кечир. Албатта гуноҳларни ёлғиз Сен кечиравчисан. Мени энг гўзал хулқларга йўлла. Албата, гўзал хулқлар сари ёлғиз Сенгина ҳидоят этасан. Мендан ёмон хулқларни кеткиз. Албатта, ёмон хулқларни фақат Сенгина мендан кетказишга қодирсан. Мен Сенинг итоатингда турувчиман ва Сенинг итоатингда бўлувчиман. Барча яхшилик Сенинг кўлингдадир ва ёмонлик Сендан бўлмас. Мен Сен биланман (яъни, мададинг билан қоимман, борман) ва Сенга (қайта)ман. Сен улуғ ва олий бўлдинг. Сендан истиғфор тилайман ва Сенга тавба(лар) этаман. (Муслим ривояти).

►(Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни
Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни Ҳизбидарни
Ҳизбидарни).

4 – Жаброил, Мийкоил ва Исроифлнинг Парвардигори, осмонлару ернинг холиқи, ошкору ғайб ишларни билувчи Эй Аллоҳ! Албатта Сен бандаларинг тортишиб қолган нарсаларда ҳукм қилурсан. Ўз изнинг



билан ихтилоф қилинган ҳаққа мени бошла. Албатта Сен хоҳлаган кишиңгни түғри йўлга йўлловчисан. (Муслим ривояти).

5 – Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳ жуда буюкдир!
Аллоҳга күп ҳамд бўлсин! Аллоҳга күп ҳамд бўлсин! Аллоҳга күп ҳамд
бўлсин! Эртаю кеч Аллоҳни (барча нуқсонлардан) поклайман! (3 марта
такрорлайди).

Аллоҳдан шайтоннинг нафасидан, дамидан ва вассасасидан паноҳ беришини сўрайман. (Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Муслим ҳам шунга яқин маънодаги ҳадисни келтирган).



〔一二三四五六七八九十十一十二十三十四十五十六十七十八十九二十二十一二十二二十三二十四二十五二十六二十七二十八二十九三十三十一三十二三十三三十四三十五三十六三十七三十八三十九四十四十一四十二四十三四十四四十五四十六四十七四十八四十九五十五十一五十二五十三五十四五十五五十六五十七五十八五十九六十六十一六十二六十三六十四六十五六十六六十七六十八六十九七十七十一七十二七十三七十四七十五七十六七十七七十八七十九八十八十一八十二八十三八十四八十五八十六八十七八十八八十九九十九十一九十二九十三九十四九十五九十六九十七九十八九十九一百〕〔一〕。

6 - Бу зикрни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси таҳажҷуд ўқиётгандарида айтардилар:

Эй Аллох! Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг нуридирсан. Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларни тутиб турувчиидирсан! [Ва Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Парвардигоридирсан!] [Сенга ҳамд бўлсин.

Осмонлару ер ва улардагилар Сеникидир!] [Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер Подшоҳидирсан!] [Сенга ҳамд бўлсин!] [Сен Ҳақсан.

Ваъданг ҳақ, сўзинг ҳақ, Сен билан учрашмоқ ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, набийлар ҳақ Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақ ва қиёмат ҳақдир]. [Эй Аллоҳ! Сенга бўйсундим ва Сенга таваккал этдим Сенга иймон келтирдим ва Сенга тавба қилдим. Сен учун талашдим-ёмон кўрдим ва Сени ҳакам қилдим. Менинг олдин қилганларимни ҳам, кейин қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам мағфират этгин]. [Аввал қилувчи ҳам, кейин қилувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ]. [Илоҳим Сенсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир]. (Бухорий ривояти, Муслим ҳам шу маънодаги хадисни келтирган).